

ISSN: 2181-9416



ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА * LAWYER HERALD

ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA

НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ
БИБЛИОТЕКА
LIBRARY.RU

ISSN 2181-9416
Doi Journal 10.26739/2181-9416

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

6 СОН, 2 ЖИЛД

ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 6, ВЫПУСК 2

LAWYER HERALD

VOLUME 6, ISSUE 2



TOSHKENT-2022

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ.
ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

1. ОЧИЛОВ Ўткир Сайфуллоевич

ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА МАДАНИЯТНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТНИНГ ЎРНИ . 8

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ.
МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

2. НАРИМАНОВ Бекзод Абдувалиевич

НОДАВЛАТ ТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИГА ЎЗИНИ ЎЗИ ТАРТИБГА СОЛИШ ҲУҚУҚИНИ
БЕРИШ: НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАР 13

3. МУРОДУЛЛАЕВА Гулинур Хикматулло қизи

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИНГ
ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ 19

4. АДILКАРИЕВА Феруза

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИ ВАКОЛАТЛАРИНИНГ
ТАКОМИЛЛАШУВ ДИНАМИКАСИ 26

5. РАХМОНОВ Зафаржон Зайниддинович

КОРРУПЦИЯ ВА МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИНИ
БЕКОР ҚИЛИШНИНГ МУҲИМ БЕЛГИСИ..... 31

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ.
ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

6. САЙДИВАЛИЕВА Хуршида Ходжиакбаровна

ОИЛАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ШАРТНОМА ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ
ТАРТИБГА СОЛИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА 36

7. ДЖУМАНОВ Аскар Хасанович

ПРАВОВАЯ ПРИРОДА ХОЗЯЙСТВЕННОГО ТОВАРИЩЕСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ 42

8. ИЛХОМБЕКОВ Жасурбек Илхомбек ўғли

АХБОРОТ ТУШУНЧАСИ, МОҲИЯТИ, ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТИ ВА КАФОЛАТЛАРИ 49

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ

9. MURODULLAYEV Dostonjon Nigmatullo o'g'li

МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИНГ ТАРАФЛАР ИХТИЙОРИГА БОГ'ЛИҚ ВО'ЛМАГАН HOLATLAR
BO'YICHA BEKOR QILINISHINING UMUMIY TAVSIFI 54

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

10. ЮНУСОВ Ҳайдарали

ЕВРОПА ИТТИФОҚИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ СИЁСАТИ:
МУВОЗАНАТЛАР ГИРДОБИ ЁКИ ДОР УСТИДАГИ ДОРБОЗ 61

11. МАХАМАТОВ Махмуд

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ДОИРАСИДА МИГРАЦИЯНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ 69

12. РАСУЛОВ Журабек Абдусамиевич

МЕҲНАТ СОҲАСИДА БИРЛАШИШ ЭРКИНЛИГИ ПРИНЦИПИГА ОИД ХАЛҚАРО
СТАНДАРТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ 74

13. РАШИДОВА Комила Искандаровна

ЮРИДИЧЕСКАЯ КВАЛИФИКАЦИЯ СОВРЕМЕННЫХ ФОРМ РАБСТВА КАК
МЕЖДУНАРОДНОЕ ПРАВОНАРУШЕНИЕ 81

14. ТУРСУНОВ Ойбек Батырович ХАЛҚАРО МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ	87
15. ЕСЕМУРАТОВ Алишер Избасарович МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ РЕГУЛИРОВАНИЯ ТРУДОВОЙ МИГРАЦИИ	91
16. ГАНИБАЕВА Шахноза Каримбердиевна ОБЕСПЕЧЕНИЕ НАИЛУЧШИХ ИНТЕРЕСОВ РЕБЕНКА КАК ГАРАНТИЯ РЕЛИЗАЦИИ ПРАВ РЕБЕНКА: АНАЛИЗ МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫХ ДОГОВОРОВ.....	96

ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

17. ФАЙЗИЕВ Хайриддин Сирожиддинович ЮРИДИК ХИЗМАТ ФАОЛИЯТИДА ҲУҚУҚИЙ ИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ	102
18. ШАЯХМЕТОВА Айым Галымбековна ЗАЩИТА ПРАВ ЧЕЛОВЕКА В РЕСПУБЛИКЕ КАЗАХСТАН И РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН: ПРИНЦИПЫ СУДОПРОИЗВОДСТВА АДМИНИСТРАТИВНОЙ ЮСТИЦИИ	107
19. ЮЛДАШЕВА Говхержан САМАРКАНДСКИЙ ГЛОБАЛЬНЫЙ ФОРУМ ПО ОБРАЗОВАНИЮ В ОБЛАСТИ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПОДГОТОВКИ КАДРОВ В СФЕРЕ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН	112

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ТУРСУНОВ Ойбек Батырович
Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

ХАЛҚАРО МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ НАЗАРИЙ- ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): ТУРСУНОВ О.Б. Халқаро молиявий муносабатларни тартибга солишнинг назарий-ҳуқуқий масалалари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2022) Б. 87-90.

 6 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-6-14>

АННОТАЦИЯ

Мақолада халқаро молия тизимини халқаро-ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари, оммавий ва хусусий ҳуқуқий даражадаги халқаро молиявий муносабатларнинг таркибий қисмлари, миллий ҳуқуқ ва халқаро ҳуқуқнинг ўзаро нисбати каби масалалар ўрганилган. Муаллиф халқаро молия ҳуқуқини халқаро ҳуқуқнинг кичик тармоғи сифатидаги хусусиятларини очиб берган. Халқаро молия тизимида бошқа соҳаларга қараганда “оммавий” даражадаги муносабатлар “хусусий” даражадаги муносабатлар билан нисбатан сезиларли тарзда қўшилиб кетганлиги тўғрисида хулосалар қилинган.

Калит сўзлар: халқаро молия тизими, халқаро молия ҳуқуқи, оммавий ҳуқуқ, трансмиллий ҳуқуқ.

ТУРСУНОВ Ойбек Батырович
Доктор философии по юридическим наукам (PhD)

ТЕОРЕТИКО-ПРАВОВЫЕ ВОПРОСЫ РЕГУЛИРОВАНИЯ МЕЖДУНАРОДНЫХ ФИНАНСОВЫХ ОТНОШЕНИЙ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются особенности международно-правового регулирования международной финансовой системы, как составляющие международно-финансовых отношений на публично-правовом и частно-правовом уровнях, соотношение национального права и международного права. Автор выявил особенности международного финансового права как подотрасли международного права, а также делает теоретические выводы о том, что в международной финансовой системе отношения на «публичном» уровне более значимо переплетаются с отношениями на «частном» уровне, чем в других сферах.

Ключевые слова: международная финансовая система, международное финансовое право, публичное право, транснациональное право.

TURSUNOV Oybek
Doctor of Philosophy (PhD) in Law

THEORETICAL AND LEGAL ISSUES OF REGULATION OF INTERNATIONAL FINANCIAL RELATIONS

ANNOTATION

The article examines the features of the international legal regulation of the international financial system, the components of international financial relations at the public law and private law levels, the correlation of national law and international law. The author reveals the features of international financial law as a sub-branch of international law. The author concludes that in the international financial system relations at the “public” level are more significantly intertwined with relations at the “private” level than in other areas.

Keywords: international financial system, international financial law, public law, transnational law.

Халқаро молия тизимини жаҳон иқтисодиётининг “қон айланиш тизими”га қиёслаш мумкин. Шундай таассурот ўйғонадики, ўн йиллар давомида мунтазам равишда содир бўлган, оддий кузатувчи учун сезиларли бўлмаган айнан молия соҳасидаги ўзгаришлар XX аср охирида инсоният ҳаётининг барча соҳаларида тарихий ўлчовлар бўйича шиддатли глобаллашувга замин тайёрлади.

Бошқа томондан, айнан молия соҳасида алоҳида давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг миллий ва жамоавий манфаатлари айниқса қаттиқ тўқнашмоқда. Бундай манфаатлар халқаро молия ҳуқуқи нормаларига айланган ҳолда глобал сиёсат ва стратегиянинг мазмунини белгилайди.

Жаҳон молия тизимида халқаро-ҳуқуқий тартибот халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасида халқаро-ҳуқуқий режимнинг таркибий қисми ҳисобланади, ўзига хос хусусиятларга ва ривожланиш тенденцияларига эга.

Маҳсулотлар ва хизматларнинг ҳаракатланиши миллий тўлов балансларида акс этувчи валюта-молия оқимларининг трансмиллий ҳаракати билан биргаликда содир бўлади. Халқаро молиявий муносабатларда халқаро савдо тизимида бўлгани каби халқаро ҳуқуқ ва миллий ҳуқуқнинг ўзаро яқинлашуви, халқаро молия ҳуқуқининг молиявий муносабатларни тартибга солувчи миллий тизимга таъсирининг кучайиши, молиявий тизимларнинг конвергенцияси, молиявий қонунчиликнинг унификацияси каби тенденция кузатилмоқда.

Халқаро молиявий муносабатларда (ушбу атаманинг кенг талқинида) нафақат давлатлар, балки жисмоний/юримдик шахслар, банклар, биржалар, жамғармалар ва бошқа молия муассасалари иштирок этади. Жаҳон молия тизимидаги ҳуқуқий тартиботни таъминлашда минтақавий ва универсал халқаро ташкилотлар муҳим ўринга эга. Валюта-молия муносабатларининг ривожланиб ва мураккаблашиб бориши билан давлатлар томонидан ихтисослашган халқаро ташкилотларни тузишга бўлган интилиш ҳам кучайиб боради.

Афсуски, ўзбек халқаро ҳуқуқ илм-фани узоқ муддат давомида халқаро молия муносабатларини тартибга солиш муаммоларига сезиларли даражада эътибор қаратмади. Ваҳоланки, замонавий халқаро ҳуқуқ илми халқаро молия тизимидаги ҳуқуқий воқеликларни тушуниш ва ҳуқуқий атамаларни ишлаб чиқишда анчагина муваффақиятларга эришди.

Хўш, халқаро молия ҳуқуқи деганда нимани тушунишимиз лозим. Умуман олганда, пул ҳаракатланадиган барча ижтимоий макон молиявий манбалар ва шахслар (бундай манбаларни етказиб берувчилар/қабул қилувчилар)нинг маълум ҳуқуқий ва халқаро-ҳуқуқий режимлар орқали трансчегаравий ҳаракатланиши билан амалга оширилади. Бундай макон **халқаро молия тизими** деб аталади.

Халқаро молия тизимининг қуйидаги таркибий қисмларини ажратиш мумкин:

Объект-предметли соҳаси – бу халқаро молиявий муносабатларининг ўзи, яъни халқаро молия тизимининг норматив тартибга солиниш объекти;

Институциявий-субъект соҳаси – бу соҳага халқаро молиявий муносабатларнинг барча иштирокчилари: молиявий манбаларнинг етказиб берувчилари ва қабул қилувчилари ҳисобланган хусусий ва оммавий шахслар тааллуқлидир. Уларни тавсифлаш учун нисбатан қулай ва кенг қўлланиладиган “операторлар” атамасидан фойдаланиш таклиф этилади.

Тартибга солиш (ёки норматив) соҳаси – бунга халқаро молиявий муносабатларни тартибга солишга йўналтирилган барча тур ва гуруҳдаги нормалар, айнан: давлатларнинг ички ҳуқуқи нормалари, халқаро-ҳуқуқий нормалар, “юмшоқ ҳуқуқ” нормалари тааллуқлидир;

Функционал соҳаси – халқаро молия тизимининг ушбу қисмига уни бошқариш, тизимда тартиб ва самарадорликни таъминлаш учун мўлжалланган барча усул ва методлар тегишлидир.

Халқаро молия тизими шунчалик мураккаб воқеликки, унда халқаро тўлов ва ҳисоб-китоб

муносабатлари, халқаро валюта муносабатлари, халқаро кредит муносабатлари ва шу каби алоҳида кичик тизимлар, таркибий қисмлар, соҳаларни ажратиш кўрсатиш мумкин.

Ўз навбатида, халқаро молия тизими нисбатан кенгроқ бўлган халқаро иқтисодий тизимнинг кичик бир тизими бўлиб, у ҳам ўз ўрнида, халқаро тизимнинг бир қисми ҳисобланади.

Халқаро тизимнинг бошқа қисми сифатида эса халқаро норматив тизим намоён бўлиб, у барча турдаги халқаро муносабатларни тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий ва ҳуқуқий бўлмаган нормалардан ташкил топади.

Мазкур тизимнинг иккита асосий бўғини – давлатнинг ички ҳуқуқи ва халқаро ҳуқуқ, В.Шумиловнинг таъбири билан айтганда, глобал ҳуқуқий тизимни ташкил қилади [1, Б.39]. Глобаллашув даврида ушбу иккита ҳуқуқий тизимнинг ўзаро таъсири ва уйғунлашуви аста-секинлик билан янги сифат ўзгаришига – уларнинг ажралмас бирлигига олиб келади, шу билан бирга, ушбу тизимлар ўзининг мустақиллиги ва ўзига хослигини сақлаб қолмоқда.

Шунингдек, глобал ҳуқуқий тизимда миллий ҳуқуқ ва халқаро ҳуқуқдан ташқари, эътибордан четда қолдириш мумкин бўлмаган иккита “иккиламчи ҳодиса” ҳам ўз ўрнига экалигини қайд этиш лозим, булар – миллатлардан устун турувчи ҳуқуқ (supranational law) ва трансмиллий ҳуқуқ (transnational law).

Мазкур ҳодисалар миллий ҳуқуқ ва халқаро ҳуқуқнинг ҳосиласи ва ажралмас қисми ҳисобланганлиги сабабли уларни иккиламчи ва шартли деб аташ мумкин. М.Ҳилдебрандт “миллатлардан устун турувчи ҳуқуқ” тушунчасини қуйидагича тавсифлайди: “Миллатлардан устун турувчи ҳуқуқ” ҳолатида бир қатор аъзо-давлатлар ўз суверенитетининг бир қисмини миллатлардан устун турувчи ташкилотларга беришга келишиб олишади” [2]. Бундай хусусиятга эга ҳуқуқий муносабатлар элементлари бир қатор универсал халқаро ташкилотлар (масалан, Халқаро валюта жамғармаси), интеграциявий бирлашмалар (масалан, Европа Иттифоқи) учун хосдир. Шунингдек, миллатлардан устун турувчанлик хусусиятига халқаро валюталар – евро, СДР (қарз олишнинг махсус ҳуқуқи) ҳам эгадир.

Ф.Жессапнинг қайд этишича, “трансмиллий ҳуқуқ миллий чегаралардан чиқувчи ҳаракатлар ёки ҳодисаларни тартибга солувчи барча ҳуқуқларни ўз ичига оловчи ҳуқуқдир. Унга ҳам халқаро оммавий ҳуқуқ, ҳам халқаро хусусий ҳуқуқ, шунингдек бундай стандарт категорияларга тўлиқ мос келмайдиган бошқа нормалар ҳам киради” [3]. Халқаро молия тизимига хос бўлган трансмиллий ҳуқуқ нормаларига мисол сифатида халқаро банклараро битимларни келтириш мумкин, бундай битимларга асосан корреспондентлик ҳисобларининг ҳуқуқий режими, ўзаро кредитлаш тартиби ва ҳоказолар тўғрисида келишиб олинади.

Кўп томонлама даражада бир қатор банк операциялари турлари учун “унификациялашган қоидалар” тўплами амал қилади. Унификациялашган қоидалар халқаро ноҳуқумат ташкилоти – Халқаро савдо палатасининг банк амалиётини ҳисобга олган ҳолда синтез қилинган. В.Шумилов халқаро молия тизимида трансмиллий ҳуқуқ нормаларини *lex mercatoriaga* аналогия сифатида *lex finanziaria* деб аташ мумкин, деган қарашни ҳам илгари суради [4, Б.69].

Халқаро молия тизими унинг турли тармоқларида турли туман норматив қоидалар билан тартибга солинади: давлатнинг ички ҳуқуқи, халқаро ҳуқуқ, миллатлардан устун турувчи ҳуқуқ, трансмиллий ҳуқуқ, “юмшоқ ҳуқуқ”, халқаро ахлоқ қоидалари ва бошқа ҳуқуқий тусда бўлмаган қоидалар.

Ушбу нормаларнинг умумий вазифаси халқаро молия тизимида тартиботни ва унинг барқарор амалда бўлишини таъминлаш, инқирозларни бартараф этиш ва олдини олиш ҳамда уларнинг салбий оқибатларини зарарсизлантириш ҳисобланади.

Халқаро молиявий муносабатларни тартибга солувчи халқаро-ҳуқуқий нормалар тизими **халқаро молия ҳуқуқи** деб аталади. Бунда бир қатор жиҳатларга эътиборни қаратиш лозим:

Биринчидан, халқаро молия ҳуқуқи – халқаро молия тизими норматив таркибининг фақатгина бир қисми ҳисобланади;

Иккинчидан, халқаро молия ҳуқуқи – халқаро ҳуқуқнинг мустақил соҳаларидан бири бўлган халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг бир кичик соҳаси ҳисобланади;

Учинчидан, халқаро молия ҳуқуқи ўзининг тартибга солиш предмети ва ўзига хос хусусиятларига эгадир;

Тўртинчидан, халқаро молия ҳуқуқи миллий ва халқаро молия муносабатларини тартибга солишга мўлжалланган бошқа норматив мажмуалар билан яқиндан алоқада бўлиб, улар билан мустаҳкам боғланган. Шу маънода, халқаро молия ҳуқуқи халқаро норматив тизимнинг бир қисмидир.

Халқаро молия ҳуқуқи орқали тартибга солиш объекти халқаро молиявий муносабатлар

ҳисоблансада, аммо бундай муносабатларнинг тўлиқ мажмуи эмас, балки уларнинг бир қисми бўлади [5]. Халқаро молиявий муносабатларнинг ушбу қисмига қуйидаги асосий гуруҳ муносабатлар киради:

молиявий ресурсларнинг трансчегаравий ҳаракатланиши юзасидан давлатлар, халқаро ташкилотлар (қулайлик учун – оммавий шахслар деб атаймиз) ўртасидаги муносабатлар;

молиявий ресурслар ҳаракатланадиган ва хусусий операторлар ўзаро муносабатда бўладиган ички ҳуқуқий режимлар юзасидан оммавий шахслар ўртасидаги муносабатлар.

Халқаро молия ҳуқуқи орқали тартибга солинадиган аниқ ҳуқуқий муносабатларга мисол сифатида қуйидагиларга тааллуқли ҳуқуқий муносабатларни келтириш мумкин:

бюджет дефицити ва профицити;

халқаро ҳисоб-китоблар шакллари;

тўлов баланснинг ҳолати;

валюталар нисбати ва валюта курсини шакллантириш принциплари;

кредитлар тақдим этиш;

давлат қарзини сўндириш ёки реструктуризация қилиш шартлари;

молиявий ёрдам кўрсатиш шартлари;

тижорат банклари фаолияти устидан назорат;

жиноий йўллар билан олинган пулларни “ювиш”га қарши кураш бўйича умумий ёндашувлар;

молия масалаларига оид ички қонунчиликни ўзгартириш ёки унификация қилиш.

Халқаро молия тизимида бошқа соҳаларга қараганда “оммавий” даражадаги муносабатлар “хусусий” даражадаги муносабатлар билан нисбатан сезиларли тарзда қўшилиб кетган. “Оммавий” даражада бошланган халқаро-ҳуқуқий муносабатлар аксарият ҳолларда хусусий-ҳуқуқий муносабатлар орқали амалга оширилади, ва аксинча, хусусий-ҳуқуқий молиявий муносабатлар ўзининг муаммолари ёки қўлами билан у ёки бу тарзда “оммавий” даражага чиқиши мумкин.

Ҳар бир даражада ўзининг вазифалари ва муаммолари ҳал қилинади. Масалан, хусусий-ҳуқуқий даражада халқаро тўлов ва ҳисоб-китоблар ички ҳуқуқ, шунингдек трансмиллий ҳуқуқ, иш муомаласи одатлари асосида алоҳида шахслар ўртасидаги тўловларни таъминлаш учун амалга оширилади.

Давлатлараро тўлов ва ҳисоб-китоб муносабатлари эса, қоидага кўра, ташқи савдо айланмаси эҳтиёжларини таъминлаш учун, давлатларнинг тўлов баланслари муносабати билан ёки ички ҳуқуқий тўлов ва ҳисоб-китоб режимларини унификация қилиш эҳтиёжи юзага келганда вужудга келади. Шунга кўра, бундай муносабатлар, авваламбор, халқаро-ҳуқуқий нормалар, яъни халқаро молия ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинади.

Хулоса сифатида қайд этиш мумкинки, халқаро молиявий муносабатлар микродаражада (хусусий операторлар ўртасида ва алоҳида масалалар юзасидан) ва макродаражада (оммавий шахслар ва умумтизимга оид масалалар юзасидан) амалда бўладиган муносабатлар сифатида кўрилади.

Назаримизда, халқаро молия тизимининг оммавий даражасини хусусий-ҳуқуқий даражадан алоҳида ажратиш имконини берадиган махсус атамаларни жорий қилиш ҳам мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Демак, халқаро молиявий муносабатларнинг хусусий-ҳуқуқий даражасини “халқаро характердаги молиявий муносабатлар” атамаси билан тавсифлаш мумкин.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Шумилов В.М. Концепция глобальной правовой системы. Журнал «Юрист - международник», №3, 2003.

2. Hildebrandt, Mireille, “International and Supranational Law”, Law for Computer Scientists and Other Folk (Oxford, 2020; online edn, Oxford Academic, 23 July 2020), <https://doi.org/10.1093/oso/9780198860877.003.0004>, accessed 18 Dec. 2022.

3. Roger Cotterrell. What Is Transnational Law? Law & Social Inquiry. Volume 37, Issue 2, 500–524, Spring 2012 // <https://www.law.uh.edu/assignments/spring2014/24345/cotterrell2012.pdf>.

4. Шумилов В. Международное финансовое право: понятие, предмет и система. Внешнеэкономический бюллетень. №6, 2005.

5. Cranston, R. (2006). A Theory For International Financial Law? *Student Bar Review*, 18(2), 1–12. <http://www.jstor.org/stable/44306652>.